«**Бир минг сарт бир ўрис солдотининг этигининг пошнасига арзимайдир**» (Фаргона губернатори Иванофнинг сўзи)

Биринчи жахон уруши даврида чор Россияси катта талафотлар кўради. Хукумат бу талафотни тугатиш учун ўзига карам чет ўлкалар ахолисини мажбуран сафарбар килади. 1916 йил 25 июнда подшо Николай II нинг «Империядаги бегона халклар эркак ахолисини харакатдаги армия районларида харбий иншоотлар ва шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошка хар кандай ишларга жалб килиш» фармонига Сибир, Урта Осиё ва Гуржистондан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг киши мардикорликка олиниши мўлжалланади. Сафарбар этилганларнинг 250 мингини туркистонликлар ташкил килиши керак эди. Бу фармон неча ўн йиллардан буён истибдод зулмида кун кечираётган ўлкамиз ахлининг кахр-газабини янада жўштириб юборди. Натижада, Туркистонда мардикорчиликка карши бир канча кўзголонлар бўлиб ўтган. Минглаб кишиларнинг бегунох кони тўкилган бу галаёнлар хакида эса биз хира тасаввурга эгамиз. Лутфулла Олимийнинг куйида чоп этилаётган маколаси бу масалани бироз ойдинлаштиради, деган умиддамиз. Уни ЎзФА Шаркшунослик институтининг илмий ходими Тешабой Зиёев нашрга тайёрлаган.

1916 йил июль ойларида, рўза вакти, кунлар иссиг, хар ерда иш, дала жонлангон, пахталар чопиладир, бедалар ўриладир, ковунлар узиладир, бозорда кийматчилик бошлангон, халкни очлик дахшати кўркутмокда, дехконларнинг энг яхши отлари подшох хукумати томонидан олингон. Хар ерда очлик аломатлари кўринадир.
Худди ана шу жойда халкнинг огзида гивир-шивир сўзлар:
— 19 ёшдан 40 ёшгоча мусулмонларни аскарликка олар эмиш.
— Йўк. Аскарликка эмас, мардикорга олар эмиш. Рўзномада шундай ёзилибдир. Халк орасида хаяжон, бутун фикр шу масала устида йўнатилган. Баъзи кишилар ўз ўглининг оёгини синдириб аскарликка (мардикорликка) яроксиз килмокчи, баъзилари агарда хукумат рўйхатга олмок учун келса, рўйхатчининг корнига пичок солмокчи.
Пичоклар, тешалар, болталар, ханжарлар кайралган. Мачитларда, хонакохларда йиги-сиги, оналарнинг багри кон, кўзлари ёшли.
Подшох учун бошлангон урушнинг охири кўринмайди. Кийматчилик, жабр-зулм, миллий кисинкилик, халкнинг бутун тилаги хар нечук бўлсада, подшох хукуматининг огдорилиши.
Бунинг устига «подшох хазратлари»нинг «фармон олий»лари: «Урушнинг оркасидоги хар хил кора ишларини ўташ учун Туркистонда 19 ёшдан 43 ёшгача бўлгон барча эркак зоти сафарбарликка чакирилсин!»
Кўп ўтмасдан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлгон кишиларнинг рўйхати бошланди. Шунинг билан бирга халкнинг юрагига 30 йилдан бери подшох истибдодига карши хозирлонгон исён оловланди, хар ерда ташвикот:
— Подшох энг аввал отларимизни олиб пиёда колдирди, бизни кучсизлантирди. Энди 19 ёшдан 43 ёшгача бўлгон бутун йигитларимизни олиб, бизни бутунлай битирмакчи. Мамлакатимизни ўрис унсури билан тўлдирмокчи!
Буни зиёлилар сўзлайди. Имомларнингда бир фикри бор:

— Мусулмонларнинг душмани бўлгон подшох бизнинг наслимизни курутиб, ислом динини йўкотмокчи.
Эртага рўйхат бошланади... деган хабарга халк мана бу хилда жавоб берадир:
— Биз рўйхат килдирголи кўймаймиз. Подшохга болаларимизнинг тирногинида бермаймиз!
Тонг отди; бу кунги иссиглик бошка кундагиларга карагонда иссирок. Шамол хам йўк. Кушлар хам сайрамайдилар. Бу дунё аллакандай дахшатлар кутадир.
Ана пристаф, мингбошилар, палисалар махаллага халкни рўйхат килиш учун чикдилар, лекин махаллаларда, уйларда ёш болалар, кари хотинларгина колгон; ёш кишилар хаммаси хукуматга карши кураш учун бир жойга тўплонгон. Хамманинг ёнида пичок, болта, ханжар ва бошка ўксиз куроллар.
Йигилгон халк орасида сўфийлар, зокирлар хам бор, улар зикрисамоъ билан халкнинг диний хаяжонини ортдирадирлар.
Мана хозир халкка карши солдотлар, милтиклар, пулимутлар келадир. Лекин халк кўркиш даражасидан ўтган.
Хоким томонидан буйрук:
—Таркалинглар!
Халк жавоб беради:
— Сен солдотларинг ва пулимутларинг билан кет, сўнгра биз таркаламиз.
Кўпда ўтмади. Эллик мингдан ортик халкка карши пулимутлар ва милтиклардан отиш бошланди. Халк бошда ўлганига карамасдан пулимутни кўлга киритишга уриниб кўрса-да, ундан ёмгир сингари ёгилиб тургон ўклар халкни якинига келтирмади. Пичоклар милтик билан пулимутга карши кураша олмади. Халк енгилди. Халк кочди. Солдотлар, палисалар уларни оркасидан кувлаб бориб кўрган жойда отти, чопди, майдонда, кўчаларда йигитлар, чоллар, ўспиринлар конларга бўялиб ётадир. Икки кат хотунларнинг коринлари устида подшох солдотларининг найзаси санчилиб турадир. Йикилгон гўдакларнинг кизил лаблари кўкарган, ёш кизларнинг кесилган бошларидаги кора сочлари юзларига ўралиб, уларнинг бетларини конхўрларнинг кўзларидан саклайдилар. Ярадорларнинг инграган товушлари якинда окиб шовуллаб тургон сувга кўшилиб окадир. Шахар кон ичида. Халк килар ишини билмайдир. Майдонга чикмок учун кўлида курол йўк.

Л. Олимий, Фаргона



1916 йил мардикор олиш вокеаси Туркистон ерлик халкини канчалик газабга келтирган бўлса, ерлик халкка карши подшох хукумати хам шунчалик захрини тўккан эди. Осишлар, кишанга солишлар, камашлар колгони йўк. Зулмнинг энг кўполлари ишлатилмай колмади. Хаммаси бўлди. **Сувратда**: Тошкент туманидаги кентлардан бири хукуматга карши исён кўтарганларнинг осиб ўлдирилгани тасвир этиладир. Капустиёнский фото-архиви



Макола юкорисида. 1916 йил мардикор олиш вокеасида хукуматга карши энг коттиг отилиб чиккан жой — Жиззах тумани эди. Энг кўп жабр кўрган хам Жиззах бўлди. **Сувратда**: подшох хукуматига карши исён кўтарганлар кишанларга солинган холда кийнок ва азоб амрини кутиб турадирлар. Капустиёнский фото-архиви